

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛМУМИНОВ ЖАЪФАР МУҲАММАДИЕВИЧ

**ВАҲДАТ УЛ-ВУЖУД ФАЛСАФАСИ ВА УНИНГ
НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИГА ТАЪСИРИ
(Ибн-ал-Арабий, Муҳаммад Порсо ва Абдурахмон Жомий қарашлари
асосида)**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора наук (DSc) по философским наукам**

**Content of dissertation abstract of
doctor of sciences (DSc) on philosophical sciences**

Холмўминов Жаъфар Муҳаммадиевич

Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва унинг Нақшбандия таълимотига таъсири
(Ибн ал-Арабий, Муҳаммад Порсо ва Абдурахмон

Жомий карашлари асосида).....3

Холмуминов Джафар Муҳаммадиевич

Философия Ваҳдат уль-вуджуд и его влияние на учение Нақшбандизма (на
основе взглядов Ибн аль-Араби, Мухаммад Порсо и Абдурахмана
Джами).....27

Kholmuminov Jafar Mukhammadievich

The Philosophy of Wahdat ul-wujud and its influence on the Nakshbandian
doctrine (Ibn al-Arabi, Mukhammad Porso and Abdurakhman Jami on their
views).....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work.....54

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛМУМИНОВ ЖАЪФАР МУҲАММАДИЕВИЧ

**ВАҲДАТ УЛ-ВУЖУД ФАЛСАФАСИ ВА УНИНГ
НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИГА ТАЪСИРИ**

**(Ибн-ал-Арабий, Муҳаммад Порсо ва Абдурахмон Жомий қарашлари
асосида)**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.DSc/Fal35 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Жўраев Нарзулла Қосимович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Наврүзова Гулчйхра Нигматовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Рўзматзода Қодиркул Рўзмат ўғли
фалсафа фанлари доктори, профессор

Каримов Сайимназар Каримович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил 29 дек соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-кават, 511-хона.Тел.: (71) 246-02-24; факс: (71) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. 136 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-кават, 4-хона. Тел.: (71) 246-02-24; факс: (71) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил « _____ » _____ да тарқатилди.
(2020 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли рўйхатга олинган.)



Н.А. Шермухамедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

У.А.Махкамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Г.Т.Махмудова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аждодлар мероси фан тараққиёти ва замонавий билимларнинг назарий асоси эканлиги эътироф этилмоқда. Билим идеаллари ва нормаларига риоя қилишда тарихийлик тамойилига амал қилишга эҳтиёж ошмоқда. Билимларнинг ворисийлигини таъминлаш, буюк мутафаккирларнинг борлиқ, коинот, табиат, инсон маънавиятига оид қарашларини ҳозирги давр илмий янгиликлари билан қиёсий таҳлил этиш, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқларини аниқлаш учун аждодлар меросини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказларида Шарқ мутафаккирлари диний ва фалсафий меросининг қиёсий таҳлили асосида улар ғояларининг замонавий шахс тарбиясидаги аҳамиятини очиб бериш, диний ирфоний қарашларнинг дунёни билиш ва уни ўзгартириш, икки дунё саодати ҳақидаги таълимотнинг илмий жиҳатларини тадқиқ этиш, инсоннинг яхшилик ва ёмонликка мойиллиги сабабларини очиб бериш, Куръони карим сура ва оятлари, ҳадислар маъносини ўрганишнинг ижтимоий муносабатларда муроса маданиятига амал қилиш учун заруратини асослаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда Шарқ мутафаккирларининг олам ва одам, таълим ва тарбия, иймон ва эътиқод, оила ва никоҳ, шахс маънавияти, давлат ва жамият бошқарувига оид қарашларини тадқиқ этиш, уларнинг замон руҳига мос ғояларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, “ислом оламнинг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутун жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо хиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш”¹ авлодлараро ворисийликни таъминлаш воситаси сифатида амал қилмоқда. Зеро, “Ислом дини бизни эзгулик билан тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади. Марказий Осиё уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намоёндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо хиссаси”² ни ўрганиш ҳозирги кунда диний ва дунёвий билимлар мутаносиблигини таъминлаш, дунёвий тафаккурни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги 618-И-сон, 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари

¹ Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – Б.35.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида² сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”. 2017 йил, 20 сентябрь.

тўғрисида”ги ПК-3080-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони ҳамда мавзуга доир бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иктисодиётнинг шаклланиши” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Дунёнинг қатор илмий тадқиқот институтлари, марказлари ва илмий таълим муассасалари, жумладан, McGill University, Institute of Islamic Studies (Канада), Аллома Таботабой номидаги Техрон университетининг Илоҳиётшунослик факультети, Машҳад университетининг Илоҳиётшунослик факультети, Марказ-э Доъэратулмаъорэф-э бузург-э эсломий, Бунёд-э Доъэратулмаъорэф-э эсломий (Эрон), Қоҳира университети (Миср), The Institute for Islamic World Studies, Zayed University (БАА), Москва давлат университети қошидаги Осиё ва Африка мамлакатлари институти, Cемbridge, Oxford, London universtes (Буюк Британия), Department of Asian and Asian American Studies at Stony Brook University (АҚШ, Нью Йорк), The Islamic Studies program at the University of Detroit (АҚШ), Sorbonne University (Франция), Хитой, Япония ва Корея илмий-тадқиқот марказларида, Истамбул университети (Туркия), Тожикистон ФА Фалсафа ва Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтлари, Тожикистон Давлат миллий университетида тасаввуф тарихи ва фалсафаси, Ибн ал-Арабий фалсафий-ирфоний мактаби, Хожагон-Нақшбандия таълимоти, Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва унинг ислом тафаккурига таъсирини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳондаги тасаввуф фалсафасининг (ирфон) моҳияти, унинг Шарқ ва Ғарб фалсафий тафаккури ривождаги ўрнига оид тадқиқотлар таҳлили қуйидаги натижаларда намоён бўлмоқда: америкалик исломшунос олим, Нью Йоркдаги Стони Брук университети Осиё ва Осиё-Америка тадқиқотлари кафедрасининг хизмат кўрсатган профессори Уильям К. Читтикнинг Абдурахмон Жомийнинг “Нақд ан-Нусус фи шарҳи Нақш ал-Фусус”, Ибн ал-Арабийнинг “Фусус ул-хикам”, “Футухот ул-Маккия”³ номли асарларини таржима қилган, форс адабиёти ва Румий таълимотига оид монография ва мақолалар нашр этган.

McGill University, Institute of Islamic Studies (Канада) ва Аллома Таботабой номидаги Техрон университети олимлари ҳамкорлигида Абдурахмон Жомийнинг араб тилидаги “Ад-Дуррат ул-фоҳира” асари ва

³ Мазкур институтларнинг фаолияти диссертацияда очиб берилган ва адабиётлар рўйхатига киритилган.

унинг форс тилига таржимасидаги ғояларнинг моҳияти очиб берилган бўлса,⁴ Техрон ва Машҳад университетлари олимлари Ибн ал-Арабий, Довуд Қайсарий, Абдураззоқ Кошоний, Фахриддин Ирокий, Хожа Муҳаммад Порсо ва Абдурахмон Жомийнинг илмий-фалсафий ва адабий асарларини форс тилига таржима ва нашр қилган.⁵ Эрон олимлари Ибн ал-Арабийнинг⁶ диний-ахлокий ва фалсафий-ирфоний қарашларининг аҳамиятини асослаган.

Тожикистон Фанлар академияси Фалсафа институти ва Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти олимлари⁷ Нақшбандия таълимоти ва Ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг моҳиятини ўрганиш, унинг ислом тарихида ўзига хос прогрессив дунёқараш эканлигини асослаш бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб борган.

Туркиянинг фалсафа ва шарқшунослик илмий тадқиқот марказларининг тадқиқотчилари⁸ ислом фалсафасининг моҳияти Ваҳдат ул-вужуд ғоясидан иборатлигини очиб берган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шарқ мутафаккирларининг борлик ва инсоннинг моҳиятини ўрганишга оид қарашларига барча даврларда алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, XX асрда улар ғояларининг замонавий фан тараққиётидаги аҳамиятига оид илмий изланишлар олиб борилган. Европа ва АҚШнинг шарқшунос, исломшунос ва файласуф олимлари, хусусан, немис олимаси А. Шиммель, француз шарқшунос олими Я. Ришард, инглиз олимлари Дж.С.Тримингэм, Идрис Шоҳ, Ҳ.Корбин, канадалик исломшунос олим Н.Ҳир, америкалик исломшунос олим У.Читтик тадқиқотларида тасаввуф тарихи ва фалсафаси, Ибн ал-Арабийнинг фалсафий-ирфоний мактаби, Нақшбандия таълимоти ва унинг Хожа Муҳаммад Порсо ва Абдурахмон Жомий каби намояндалари мероси билан боғлиқ масалалар кенг ўрин олган. Араб олимлари У.Яҳё (Миср), Эронлик олимлар А.Зарринқўб, М.Жаҳонгирий, Қ.Кокой, А.Мазохирий, К.Муҳаммадий, П.Морведж, афғон олимлари М.Мубаллиғ, Н.М.Ҳиравий, тожик олимлари М.Ражабов, А.Афсаҳзод, А. Муҳаммедходжаев, турк олимлари У.Турар, М.А.Жўшон, С.Улудог, Н.Тўсун, япон олими Т.Изутсу⁹ Ибн ал-Арабийнинг ҳаёти ва Ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг илмий аҳамияти тадқиқ этилган.

Қаранг: А. Jami. Al-Durrat al-Fakhirah. QArabic Commentary of Abd al-Ghafur al-Lari end Persia Commentary⁴ of Imad al-Davlah. Edited by N.Heer and A.MusaviBehbahani. / McGill University Montreal Canada, Institute of Islamik Studies. In Collaboration with Tehran University. – Tehran, 1980.

⁵ Мазкур олимларнинг илмий ишлари ҳақидаги маълумотлар диссертациянинг адабиётлар рўйхатига киритилган.

⁶ Мазкур олимларнинг илмий ишлари ҳақидаги маълумотлар диссертациянинг адабиётлар рўйхатига киритилган.

Мазкур олимларнинг илмий ишлари ҳақидаги маълумотлар диссертациянинг адабиётлар рўйхатига⁷ киритилган.

Мазкур олимларнинг илмий ишлари ҳақидаги маълумотлар диссертациянинг адабиётлар рўйхатига⁸ киритилган.

⁹ Мазкур олимларнинг илмий ишлари ҳақидаги маълумотлар диссертациянинг адабиётлар рўйхатига киритилган.

Россиянинг Е.Э. Бертельс, А.Н.Болдырев, В.А.Гордлевский, М.Т. Степанянц, А.Д.Кныш, А.В. Смирнов каби шарқшунос олимлари тадқиқотларида тасаввуф тарикатлари, ислом фалсафасининг аҳамияти очиб берилган.

Ўзбекистон адабиётшунос олимлари Н.Комилов, Б.Валихўжаев, И.Султон, О.Усмон, И.Ҳаққул, Ш.Сирожиддинов, С.Олим, С.Сайфуллох, М.Кенжабек тасаввуфнинг бадий ижод ривожига таъсири билан боғлиқ масалалар, файласуф олимлар Ҳ.Пўлатов, Р.Носиров, Х.Аликулов, Г.Наврўзова, С. Каримов, Р.Шодиев, М.Маматов, Қ.Рўзматзода тасаввуфнинг фалсафий жиҳатлари, Р.А.Тиллабоев, Э.Каримов, А.Ш.Жузжоний, Н.Жўраев, З.Қутибоев ва Б.Бобожонов тасаввуф тарихига оид монография, рисола ва мақолалар нашр этиш орқали ушбу илм соҳасининг ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Н.Комилов, М.Ҳасаний, С.Сайфуллох, Б.Умрзоқ, Н.Жабборов, Г.Наврўзованинг¹⁰ тасаввуф ва Накшбандия таълимотига оид бир қатор араб, форс ва турк тиллардаги илмий-тарихий ва адабий манбаларнинг ўзбек тилига таржималари бу соҳадаги тадқиқотлар доирасини янада кенгайтирди.

Жаҳон ва Ўзбекистоннинг шарқшунос, тарихчи ва файласуф олимларининг Шарқ мутафаккирлари ижоди, хусусан, Ибн ал-Арабий ва Накшбандия таълимотини ўрганиш бўйича илмий изланишлари таҳлили улар таълимотининг ҳозирги давр учун аҳамиятининг юқориликдан далолат беради. Айни пайтда ушбу илмий тадқиқот ишида Ибн ал-Арабий Ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг Накшбандия таълимотининг фалсафий-ирфоний таълимот сифатида шаклланишига кўрсатган таъсири етарли даражада асосланмагани боис, тасаввуф таълимоти ўзаро таъсирининг шу жиҳатини асослашга ҳаракат қилинган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170928710-сонли “Ҳаракатлар стратегиясини бажариш даврида мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ибн Арабий Ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг Накшбандия таълимотига таъсири ва унинг ҳозирги даврдаги борлиқ ҳақидаги билимлар билан мутаносибилгини очиб беришдан иборат.

¹⁰ Мазкур олимларнинг илмий ишлари ҳақидаги маълумотлар диссертациянинг адабиётлар рўйхатига киритилган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шарқ мутафаккирларининг Ваҳдат ул-вужуд (Борликнинг бирлиги) фалсафаси моҳиятининг борлиқ ҳақидаги замонавий билимлар билан муносиблигини очиб бериш;

Ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг ислом диний-фалсафий таълимотлари шаклланишидаги ўрни ва унинг аҳоли дунёқарашида эътиқод манбаи сифатида амал қилишининг аҳамиятини асослаш;

Ибн Арабий Ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг Накшбандия таълимотига ижобий таъсирини исботлаш;

Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Валий ва Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг Ваҳдат ул-вужуд фалсафасини Накшбандия тариқати билан муносиблигини таъминлашга оид илмий изланишларнинг мақсадларидаги муносиблигини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Шарқ мутафаккирларининг фалсафий-ирфоний ва диний мероси олинган.

Тадқиқотнинг предметини Шарқ мутафаккирлари – Ибн ал-Арабий, Хожа Баҳоуддин Накшбанд, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Валий, Абдурахмон Жомийнинг асарлари ва улар мазмунининг таҳлилига бағишланган замонавий адабиётлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумий ўзаро алоқадорлик, тарихийлик, тизимлилик тамойиллари, гипотетик дедуктив, мавҳумликдан аниқликка юксалиш, қиёсий таҳлил, интенционал-телеологик тушунтириш, умумлаштириш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйдагилардан иборат:

Ибн ал-Арабий “Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси”нинг Накшбандия таълимотига таъсирининг фалсафий, бадиий, тарихий йўналишлари аниқланган ва ҳозирги даврдаги борликнинг бирлиги ва хилма-хиллиги ғоясига трансформацияси асосланган;

Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий, Хожа Аҳрор Валий ва Мавлоно Абдурахмон Жомий томонидан Ибн ал-Арабийнинг “Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси”даги ирфоний ғояларнинг Накшбандияда “фалсафий таълимот даражасига кўтарилганлиги” исботланган;

Накшбандия таълимотидаги “Дил ба ёру даст ба кор” (дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин) ғоясининг шахслараро диалогни ташкил этиш ва ва шахснинг меҳнат билан камолотга эришиш воситаси эканлиги очиб берилган;

Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг ирфон фалсафаси, теософия ва Ваҳдат ул-вужудга оид таълимоти Накшбандия тариқатидаги фалсафий-ирфоний ғояларнинг такомиллашишига хизмат қилганлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйдагилардан иборат:

Ибн Арабий таълимотининг Накшбандий қарашларига таъсирига оид тақлифлар ўрганишининг “Ирфон ва Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси”нинг

моҳияти, “Комил инсон ғояси” ва диний билимларнинг замонавий шахс тарбияси ва имон бутлигини таъминлашдаги аҳамияти очиб берилган.

Шарқ фалсафасида оламнинг пайдо бўлиши, ҳиссий ва рационал билиш йўллари, ахлокий кадриятларнинг шаклланишида ижтимоий муҳитнинг таъсири, шахслараро муносабатларда муроса маданиятини шакллантиришга оид ғоялардан ижтимоий амалиётда фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Диний конфессиялараро ва миллатлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш, жамиятнинг турли қатламлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик маданиятини юксалтириш, диний ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштиришда ислом маърифий ғояларидан фойдаланишга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро илмий конференциялар гўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялар ва рисоалардаги хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан Шарқ мутафаккирлари ва Нақшбандия таълимотининг моҳиятини ўрганишга оид илмий тадқиқот ишларида, нодавлат нотижорат ташкилотларда аждодлар меросини ўрганишнинг аҳамиятига оид илмий изланишларда, Ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг моҳиятини тушуниш ва тафаккур имкониятларини кенгайтиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, унда илгари сурилган мулоҳаза ва хулосаларнинг олий таълим муассасаларида “Фалсафа тарихи”, “Динлар фалсафаси”, “Диншунослик”, “Тасаввуф фалсафаси”, “Тасаввуф герменевтикаси”, “Тасаввуф адабиёти” каби фанлар бўйича маъруза матнлари, дарслик ва ўқув кўлланмаларини тайёрлашда, семинар машғулотларида, маънавият ва маърифат марказларида Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросининг тақдимотига оид маърузаларда, ҳамда илмий-педагогик фаолиятда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва унинг Нақшбандия таълимотига таъсирини тадқиқ этиш асосида:

Ибн Арабий “Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси”нинг Нақшбандия таълимотига таъсирининг фалсафий, бадий, тарихий йўналишлари ва ҳозирги даврдаги борлиқнинг бирлиги ва хилма хиллиги ғоясига тарнсформациясига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг илмий лойиҳа ва амалий

экспедицияларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг 2020 йил 9 мартдаги 01-07-474-сон далолатномаси). Натижалар экспедиция иштирокчиларида тасаввуф таълимотининг бош ғояси бўлмиш Ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг Нақшбандия тариқатига таъсирининг ҳозирги даврдаги трансформацияси ҳақида билимга эга бўлиш ва улардан лойihalарнинг яхлитлигини таъминлашда фойдаланишга хизмат қилган;

Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий, Хожа Аҳрор Валий ва Мавлоно Абдурахмон Жомий томонидан Ибн ал-Арабийнинг “Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси”даги амалий тариқат даражасидаги ирфоний ғояларнинг Нақшбандия таълимотига “фалсафий таълимот даражасига кўтарилганлиги”, Нақшбандия таълимотидаги “Дил ба ёру даст ба қор” ғоясининг шахслараро диалогнинг асосий омили ва шахснинг оламдаги ўрнини аниқлаш воситаси сифатидаги аҳамиятига оид хулосалардан Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказининг “Нақшбандия тариқатининг замонавий талқини” ўқув кўлланмасида фойдаланилган (Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказининг 2020 йил 20 ноябрдаги 74-сон маълумотномаси). Натижалар ўқув кўлланманинг Ибн ал-Арабийнинг Ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг Нақшбандия таълимотига таъсири мавзусини тайёрлашга, Шарқ алломаларининг фалсафий-ирфоний меросининг аҳамиятини ўрганишга оид илмий тадқиқотлар олиб боришга хизмат қилган;

ислом фалсафий мактабларидаги борлиқнинг бирлиги ғоясининг Нақшбандия таълимоти шаклланишига таъсири хусусидаги тадқиқотда ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкент ислом институти ва Мири Араб олий мадрасасида тасаввуф фалсафасини, хусусан, Ваҳдат ул-вужуд ғояларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитаниннг 2020 йил 18 мартдаги 2055-сон далолатномаси). Натижада соҳа мутахассисларида тасаввуф фалсафаси, хусусан, Ваҳдат ул-вужуд ғояларини илмий нуқтаи назардан ўрганиш ва талқин этиш кўникмаларини ҳосил қилишга эришилган;

Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг “ирфон фалсафаси, теософия ва Ваҳдат ул-вужуд” таълимоти Нақшбандия тариқатининг фалсафий-ирфоний ғояларининг такомиллашишига асос эканлиги ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси, Тожик миллий маданий маркази ва Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ҳамкорликда тайёрланган “Шарқ фалсафий мероси” илмий луғатини тайёрлашда фойдаланилган (Республика Тожик миллий маданий марказининг 2020 йил

12 июлдаги 01-31-сон далолатномаси). Натижалар шоир ва мутафаккир Мавлоно Абдурахмон Жомий, Ибн ал-Арабий, Накшбандий таълимоти гоъяларидаги уйғунликнинг дунёни билишнинг янги имконияти сифатидаги аҳамиятини англаш, илмий-амалий фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни жами 27 та, жумладан, 8 та халқаро, 19 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференциялардаги маърузаларда очиб берилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 65 та, шундан, 2 та монография, 5 та рисола (2 таси ҳаммуаллифликда) ва 58-та илмий мақола, жумладан, 11 та Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда, 15 та халқаро ва хорижий илмий журналларда (2 та Scopus рўйхатидаги журналда), 4 та республика журналларида, шунингдек, 27 та тезис ва мақола республика ва халқаро илмий-амалий конференциялар тўпламларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, умумий ҳажми 244 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўлишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, методлари, тадқиқот объекти, предмети, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми асосланган.

Диссертациянинг **“Ибн ал-Арабийнинг Ваҳдат ул-Вужуд фалсафаси ва унинг ислом фалсафий тафаккури ривожидида тутган ўрни”** деб номланган биринчи бобида Ибн ал-Арабий ҳаёти, илмий меросини ўрганишга оид асарлар қиссий ва танқидий таҳлил этилган.

Муаллиф фикрича, Ибн ал-Арабийнинг илмий-адабий меросини ўрганиш ҳозирги даврда муҳим аҳамиятга эга. Унинг 400 дан ортиқ асаридан 200 таси бугунги кунгача сақланиб қолган. Аммо унинг икки асари – “Ал-Футуҳот ал-Маккия” (Маккадаги зафарлар; Макканинг очилиши; Макканинг фатҳ этилиши) ва “Фусус ул-хикам” (Ҳикмат дурдоналари; Ҳикмат гавҳарлари) алоҳида илмий аҳамиятга эга.

Ислом тарихида Ибн ал-Арабийнинг “Фусус ул-хикам” асарида *Ваҳдат ул-вужуд* фалсафасининг моҳияти очиб берилган. Олмон

шаркшуноси Карл Брокельман фикрича, “Фусус ул-хикам”нинг 35 та шарҳи бор, аммо Усмон Яхё унга 120 та шарҳ ёзилганлигини таъкидлаган.¹¹ “Фусус ул-хикам”га шарҳ ёзиш анъанасини унинг шогирди Шайх Садриддин Қунавий бошлаб берган. Садриддин Қунавий “Шайх (Ибн ал-Арабий – Ж.Х.) каломининг наққодидир. *Ваҳдат ул-вужуд* Шайхнинг асл максadini ақл ва шариатга мувофиқ англаш унинг (Садриддин Қунавий – Ж.Х.) таҳқиқотларисиз муяссар бўлмас.¹² Садриддин Қунавийнинг ўзи “Фуқук”нинг хутбасида қайд қилганидек, “Фусус ул-хикам”нинг муқаддимаси шарҳини устозидан сўраб олиб, қолган қисмини раббоний файз (ғайбий илҳом) орқали англашга муваффақ бўлган. Борлиқнинг бирлиги ва ягоналиги – *Ваҳдат ул-вужуд* таълимотининг асосчиси сифатида танилган Ибн ал-Арабийни унинг издошлари “Улуғ шайх”, “Афлотуннинг ўғли” деб баҳо берганлар.

Ибн ал-Арабийнинг фалсафий-ирфоний таълимоти ва унинг бош9 ғояси *Ваҳдат ул-вужуд* фалсафасининг асл илдиэлари ислом динининг бирламчи манбалари – Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлар бўлса, иккинчиси “Ҳақимия” фалсафий-ирфоний мактабининг асосчиси Ҳақим ат-Термизий, Шарқ аристотелизми (машшо) намояндalари – Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Сино, Бухоро тасаввуф мактаби намояндalари – Яхё Калободий ва Мустамлий Бухорийнинг фалсафий-ирфоний таълимотларидир, учинчиси эса, “Юнон фалсафаси, хусусан Эпикур ва Орфанинг ғоялари билан боғлиқ. Шунингдек, навафлотунчилар (неоплатонизм – Ж.Х.), айниқса, Плотин фалсафасини ҳам эътироф этиш лозим, зеро ирфон ва тариқат маросимларида уларнинг ғоялари таъсири кузатилади”.¹³ Ирфон фалсафасига Қадимги Ҳинд динлари – Ведантизм ва Буддавийлик ғояларининг таъсирини ҳам тан олиш лозим. Шу боис, тасаввуф таълимоти ва унинг *Ваҳдат ул-вужуд* фалсафасидаги ғоялар ва хилма-хиллиги, баъзи зиддиятли фикрлар ҳам унинг пайдо бўлишига таъсир этувчи омилларнинг хилма хиллиги билан боғлиқ деган хулосага келиш мумкин. Зеро, “тасаввуф Шарқ диний-фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тафаккури тарихидаги мураккаб ҳодисалардан биридир”.¹⁴ Ибн ал-Арабий оламни билишда ақлнинг ўрнини алоҳида таъкидлайди. Унингча, инсонга маълум бўлмаган нарсаларни маълум қилдирган Парвардигор унга одам ва олам сир-асрорини англаш учун ақл-идрок ва тафаккур ато этган. Ақл ва тафаккур қудрати инсонни борлиқнинг кашшофига айлантирган. Аммо инсонга ундан-да кучлироқ бўлган яна бошқа бир неъмат – қалб ва муқошафа йўли билан оламни идрок этиш қобилиятини ҳам берган. Бу ноёб истеъдод инсонга ботиний олами билан боғланиш имконини берган. Имон завқи, кучли хиссий-ботиний туйғулар билан тўла ушбу қобилият имкониятларининг чек-чегараси йўқ. Аммо бу илоҳий неъмат барчага

¹¹ Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: “Адолат”, 2001. – Б. 25.

¹² Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ул-улс мин ҳазарот ил-қудс. – Техроп, 1370. – С.555.

¹³ Хотамий С.М. Исломи тафаккури тарихидан. Тарж. Н.Қодирзода. – Тошкент: “Минҳож”, 2003. – Б.51.

¹⁴ Саидов Акмал. Атторшунослик. Булук мутасаввиф, шайх ва шоир Фаридулдин Атторнинг маънавий ва маърифий хазиналари. – Тошкент: “SHARQ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош муҳарририяти, 2013. – Б.42.

эмас, фақатгина ўз нафси хошиш-истакларини енгиб, Раббини таниган, нафсини тарбиялаб, қалбини мусаффо кўзгуга айлантирган, бутун борлигини муҳаббат ва маърифат эгаллаб олган зотларгагина насиб этган.

Диссертациянинг **“Ҳожагон-Нақшбандия таълимоти вакилларининг Ваҳдат ул-вужуд фалсафасига муносабати”** деб номланган *Ҳожагон-Нақшбандия* таълимоти мустаҳкам ғоявий-фалсафий пойдеворлар асосида қурилганлиги очиб берилган.

Тасаввуф диний-фалсафий таълимотининг 600 йиллик назарий ва амалий тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган, турли ирфоний тариқатларнинг энг муҳим ғоя ва анъаналарини ўзига сингдирган Ҳожагон-Нақшбандия тариқати кучли мантиқ ва ҳаётбахш мазмун-моҳиятга эга бўлган таълимотдир. Унинг сарчашмалари ислом Пайғамбари Муҳаммад (сав) билан боғлиқ. Ҳожагон-Нақшбандия таълимоти ислом фалсафий-ирфоний тафаккури тарихида сўнги ирфоний мактаб сифатида эътироф этилади. Ундан кейинги даврда Марказий Осиё, Ҳиндистон, Кичик Осиё, Кавказда вужудга келган тасаввуфий мактаблар Нақшбандия таълимотининг шуъбалари ҳисобланади.

Ҳожагон-Нақшбандия таълимоти ўзининг салкам 900 йиллик тарихи давомида ислом олами ва умуман инсониятга улкан маънавий меросни тақдим этган. Ушбу тариқат пиру муридлар, улуг мутасаввиф ва мутафаккирларнинг ибратли ҳаёти, дин ва дунё, олам ва одам, илм ва маърифат, ишқ ва муҳаббат ҳақидаги қарашлари, турли илмлар ва мавзуларга бағишланган илмий-адабий асарлари ислом тафаккури тарихида ўзига хос ўрин тутди.

“Ҳожаи Жаҳон” – жаҳон аҳлининг хоҷаси номи билан машҳур бўлган Ҳожа Абдулҳолик Ғиждувоний (1103-1179) асос солган Ҳожагон тариқати кейинчалик Ҳожагон-Нақшбандия номи билан бутун Мусулмон Шарқида ёйилди. *Нақшбандия* тариқати таркибида турли даврларда Порсоия, Ахрория, Мужаддия, Холидия, Қумушхонавия... каби турли шуъбалар вужудга келди. Аммо уларнинг барчасида Ҳожа Абдулҳолик Ғиждувонийнинг ҳаётбахш таълимоти асос қилиб олингани маълум.

Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд Мовароуннаҳр туб аҳолисининг неча юз йиллик урф-одатлари ва маросимларини Қуръон ва Суннат асосида қайта ишлаб, гўзал бир тартибда яна халққа қайтариб берди. Бошқача айтганда, *Нақшбандия* таълимотида тасаввуф маросимчилиги маҳаллийлаштирилди. Бундан ташқари, бугунгача асосан арабча бўлган тасаввуф истилоҳлари ва тушунчаларини (ҳатто хоразмлик Шайх Нажмиддин Кубронинг “Кубравия” тариқатида истилоҳлар араб тилида бўлган) маҳаллий халқ учун тушунарли ва уларнинг қалбига яқинроқ бўлган тил – форс-тожик тилида ишлаб чиқилди.

Нақшбандия таълимоти Мовароуннаҳр халқларининг чинакам маънавий мураббийси даражасига кўтарилди. Ундаги “асосий талаб – қалбни дунё гўборларидан тозалаш, ўз нафси билан қурашиб руҳда чароғонлқ топиш, қалбда Аллоҳ номларини нақшлаб бориш усуллари

ишлаб чиқилган. Зикри хафий (яширин зикр тушиш) шунга хизмат қилган. “Ташқаридан халқ билан, ичкаридан Ҳақ билан бўлиш”, ҳар бир нафасни Худо ёди билан чиқариш, қадамни савоб ишлар, эзгу амаллар сари қўйиш, юрт кезиб, азиз-авлиёлар қабрини зиёрат қилиш, ғофилларни хушёр этиш, ҳар қандай ҳолатда қалб огоҳлигига эришиш Нақшбандиянинг асосий маънавий тарбия усули ҳисобланган”.¹⁵ Буларнинг барчаси, шак-шубҳасиз, Мовароуннаҳрда яшовчи бугунги ўзбек, тожик ва бошқа халқларнинг миллий ўзлиги, менталитети, турмуш ва тафаккур тарзининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатди. Бошқача айтганда, *Нақшбандия* таълимоти минтақадаги туркийзабон ва форсийзабон халқларни нафақат маънавий-ахлоқий жиҳатдан бирлаштирди, балки уларнинг миллат сифатида шаклланиш жараёнида ҳам фаол қатнашди. Ижтимоий ҳаётнинг турли жаҳдаларида мунтазам тарзда фаолият юритаётган ҳолда Худо ёдини дилда сақлаш, ҳудожўйлик, инсонпарварлик, иймон-эътиқодли бўлиш, меҳроқибатлилик, ота-она, улуғлар, устозларга ҳурмат-иззат кўрсатиш, меҳнатсеварлик, тотувлик, бағрикенглик, ўтганларни хотирлаш, инсон кадр-қийматини эъозлаш, ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳалоллик, покиза турмуш тарзи билан яшаш ва яна юзлаб олийжаноб кадриятлар, улуғ инсоний фазилатларнинг минтақа халқлари онгу шуурида мустаҳкам ўрин олиши ҳам асосан муқаддас ислом дини ва *Нақшбандия* таълимотига бориб тақалади.

Эронлик олим Абдулхусайн Зарринқўб Баҳоуддин Нақшбандни Хожагон тариқатининг буюк ислоҳотчиси ва унга маълум даражада янги усулларни кирита олган шахсият сифатида юксак баҳолайди ҳамда бу тариқатнинг унинг халифалари – Хожа Алоуддин Аттор ва Хожа Муҳаммад Порсо фаолиятлари натижасида Мовароуннаҳрда ривож топганини таъкидлаб ўтади.¹⁶ А.Зарринқўбнинг айниқса, Баҳоуддин Нақшбанд ва Ибн ал-Арабий таълимотлари ўртасидаги муносабати ҳақида билдирган фикрлари катта илмий аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. “Қизиғи шундаки, - деб ёзади у – Хожагон орасида шариатдан четга чиқмаслик ва суннат зоҳирини риоя этишни талаб этадиган *Нақшбандия*, Баҳоуддин Нақшбанддан сўнг, хусусан, унинг халифалари – Хожа Муҳаммад Порсо замонидан то Хожа Убайдуллоҳ Аҳрогача бўлган давр мобайнида Ибн Арабийнинг *Ваҳдати вужуд*дан иборат бўлган машҳур мазҳаби билан қўшилиб кетди”.¹⁷ Ўша давр (ўтган асрнинг 80-йиллари) нуктаи назаридан олганда катта янгилик бўлган бу фикрда албатта, асос бор, аммо Зарринқўб бу ҳодисанинг қай даражада ва қай йўсинда юзага келгани ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритмасдан Хожа Муҳаммад Порсо ва Абдурахмон Жомий берган маълумотлар билан кифояланади. Ҳолбуки, яна бир асосий нуктани таъкидлаб ўтишга тўғри келади: *Нақшбандия* таълимоти Ибн ал-Арабийнинг *Ваҳдат ул-вужуд* фалсафасини маълум даражада ўзида

¹⁵ Комилов Н. Нақшбандия. / ЎзМЭ, 6. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б.294.

¹⁶ Абдулхусайн Зарринқўб. Дунболъ-йэ жустужу дар тасаввуф-э Ирон. – Тэхрон: Амир-э Кабир, 1383. – С. 192.

¹⁷ Ўша китоб. – Б.211.

сингдирди, аммо буни Ҳанафия фикхий-ақидавий принципларидан четга чиқмаган ҳолда амалга оширди. Натижада, *Нақшбандия* таълимоти ирфон фалсафаси билан ўзини назарий-илмий жиҳатдан мустаҳкамлаб олди ва шу билан бирга уни нақшбандийликка мослаштиришга ҳам муваффақ бўлди.

Машҳур рус шарқшуноси А. Н. Болдыревнинг фикрига қараганда, аслида *Нақшбандия* тариқатининг назарий асослари аксар ортодоксал ислом намояндалари томонидан куфр деб ҳисобланган Ибн ал-Арабийнинг пантеистик таълимотига бориб тақалади. Жомий эса ана шу таълимотнинг энг машҳур билимдон ва шарҳловчиси ҳисобланади.¹⁸ А. Н. Болдырев бу фикрни *Нақшбандия* таълимоти, айниқса, Хожа Аҳрор Валийни расмий ислом намояндаларининг қаттиқ қаршилигига учраган Ибн ал-Арабий таълимоти билан яқинлаштириш, ёки қайсидир маънода унинг пантеистик ғояларига нисбат бериш орқали Хожа Аҳрор Валийдан “иртижоъчи” тамғасини олиб ташлаш мақсадида айтган бўлиши мумкин.

Хожа Муҳаммад Порсо томонидан Ибн ал-Арабий “Фусус ул-ҳикам”ининг жонга, “Футухот ул-Маккия”сининг дилга ўхшатилиши *Нақшбандия* орифлари учун дастуруламал бўлди. Хожа Аҳрор Валийнинг биринчилардан бўлиб бу дастурга амал қилиши *Ваҳдат ул-вужуд* фалсафасининг *Нақшбандия* таълимотига бемалол кириб келиши учун кенг йўл очиб берди.

Тадқиқот ишининг учинчи боби “**Мавлоно Абдурахмон Жомий – Нақшбандия таълимотининг назарийётчиси**” деб номланади. Унда Жомийнинг Нақшбандия тариқатини ривожлантиришдаги ўрни ва роли тадқиқ этилади. Милодий XV асрга келиб, Мусулмон Шарқи тафаккури тарихида қатта ўзгариш ва кескин бурилишлар юз бера бошлади. Биринчидан, *Нақшбандия* тариқатининг Мовароуннаҳрдан Хуросонгача, Хуросондан Хитой ва Ҳиндистонгача, Ҳиндистондан Усмонли турклар салтанатигача бўлган ҳудудларда тарқалиб ва ривожланиб бориши, иккинчидан, бу тариқатнинг хонақоҳлардан чиқиб, жамиятнинг туб илдиэлари ва турли табақаларига таъсир кўрсата бошлаши, учинчидан, *Нақшбандия*нинг бошқа тариқатлардан фарқли ўлароқ, таркидунёчилик, фақирлик ва гўшанишинликдан воз кечиб, моддий ҳаётга юзма-юз бўлиши ва аста-секин иқтисодий қудрат касб этиб, сиёсий-мазҳабий тариқат тусига кириши ва тўртинчидан, минтақада сунний ва шиъа мазҳаблари ўртасида ихтилофларнинг юзага чиқа бошлаши XV-XVI асрларнинг маънавий ҳаётига ҳам гоҳида ижобий, гоҳида эса салбий таъсир етказди. *Нақшбандия* тариқатининг ижтимоий-сиёсий оҳанг касб этиши ва Темурий шахзодалар саройига яқинлашувида Хожа Аҳрор Валийнинг фаолияти етакчи ўрин тутди. Хусусан, унинг салтанатни юксак даргоҳ сифатида эътироф этиб, “нубувват даражасига яқин бўлган мартабадир, ундан юксакроқ мартаба йўқдир. Ҳеч бир тоифа дину миллат ва шарият ривожидида султонлар ўрнини

¹⁸ Болдырев А. Н. Еще раз к вопросу о Ходже-Ахроре. Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. – Москва, 1985. – С. 50-51.

босолмайди”,¹⁹ деб эълон қилиши бу жараённинг тобора тезлашувига сабаб бўлди.

Нақибандия тариқати қисқа бир муддат ичида катта жўғрофий минтақа – Мовароуннахр ва Хуросон худудларида кенг ёйилиб, оммавийлашиб бориш билан бирга Темурий шахзодалар саройига ҳам ўз таъсирини етказа бошлади. Бошқача айтганда, минтақадаги сиёсий, иктисодий ва ижтимоий вазиятнинг қай томонга қараб ўзгариши *Нақибандия* тариқати пешволарининг хошиш-иродаси билан боғлиқ бўлиб қолган эди.

Табиийки, ана шундай бир вазиятда давр бу жараённи мўътадил ҳолда тутувчи ва тасаввуфнинг жамиятдаги маънавий-маърифий, фалсафий-ирфоний миссиясини эслатиб турувчи мутафаккир бир зотга эҳтиёж сезар эди. Тасаввуф тарихи бу вазифани XV асрнинг буюк мутафаккири Мавлоно Абдураҳмон Жомий зиммасига юклади.

Мойил Ҳиравий фикрига қараганда, Жомий Хожа Аҳрордан муридлик руҳсатини олиш умидида ҳам бўлган экан.²⁰ Бундан келиб чиқадики, Жомий шайхлик мартабасига етишни хоҳлаган, аммо Хожа Аҳрордан ижозат ололмаган. Аммо баъзи бир манбаларда берилган маълумотлар бунинг бутунлай аксини кўрсатади. Масалан, Фахриддин Алий берган маълумотга қараганда, Шайх Саъдиддин Кошғарий вафотидан сўнг, кўпгина нақшбандийлар Жомийга мурид тушиш ниятида мурожаат қилишар, аммо Жомий уларнинг илтимосини қабул қилмасдан, “бизнинг шайхлик юкни кўтаришга тоб-тоқатимиз йўқ”, деб жавоб қайгарар экан.²¹ Бундан чиқадики, Саъдиддин Кошғарийдан иршод ижозатини олган Жомий, устозининг вафотидан сўнг, яъни, Хожа Аҳрорга мурид тушгунга қадар ҳам атрофида кўпгина муридлар тўплаш ва шайхлик маснадига ўтириш имкониятига эга бўлган, аммо буни ўзи хоҳламаган экан.

Бошқа бир манба – “Тарихи Рашидий”да берилган маълумотга қараганда, Жомий ўзининг ўта хоксорона табиати туфайли ҳузурига келганларни муридликка қабул қилмаган ва умрининг охирида “Бу (яъни, шайхлик – Ж.Х.) улуг кишиларга хос нарса менга ҳам юклатилган эди, аммо мен хоксорлик қилиб, уни амалга оширмадим. Аммо энди маълум бўляптики, мен хато қилган эканман. Тариқат силсиласини узмасдан давом эттиришим лозим эди”,²² деб афсусланган экан.

Жомийнинг бу сўзларни умр сўнгида айтганини эътиборга олсак, шундай хулосага келиш мумкинки, у Хожа Аҳрор даврида ҳам, унинг вафотидан кейин ҳам нақшбандий шайх сифатида фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлган экан. Яъни, *Нақибандия* тариқатида бир марта шайхлик унвонини олган кишига яна иккинчи марта шайхлигини тасдиқлаштишга ҳеч қандай зарурат ҳам бўлмаган. Шунинг учун ҳам, Хожа Аҳрор Жомийга иккинчи марта иршод ижозатини беришни ноўрин деб

¹⁹ Нишобурий А. Малфузоти Хожа Аҳрор. 327-банд.

²⁰ Қаранг: Нишобурий А. Малфузоти Хожа Аҳрор. 327-банд.

²¹ Али Ф. Рашахот айн ал-хаёт. – С. 252/1.

²² Хайдар Мирза Муҳаммад. Тарих-и Рашиди. – С.245.

билган. Жомий ҳам бунга ҳеч қандай эҳтиёж сезмаган ва умуман шайхлик маснадига ўтиришга интилмаган.

Хожа Аҳрор ва Жомий ўртасида юзага келган ўзаро ҳурмат ва эътироф, ихлос ва ишончга асосланган муносабатнинг ўзига хос сабаблари бўлгани каби оқибатларга ҳам эга эди. Ана шундай оқибатлардан бири Мовароуннаҳрлик нақшбандийларнинг тариқатдаги устуворлик ва устунлик макоми уларда Хуросон нақшбандийлик муҳитини бошқариб туриш ҳиссини ҳам кучайтирган бир пайтда Жомийнинг Хожа Аҳрор Валий билан дўстона алоқа боғлаши *Нақшбандия* тариқатининг минтақадаги сиёсий-ижтимоий бирлигини сақлашига яхшигина имконият яратиб берди.

XV асрда Хуросон ва Мовароуннаҳр минтақасида Ҳанафия мазҳабининг Темурий шахзодалар саройидан тортиб барча ижтимоий табақалар орасида асосий фикхий мазҳаб сифатида эътироф этилиши минтақада яшайдиган шиъийларда эътироз ҳиссини тобора кучайтирар эди.

Айниқса, Мовароуннаҳрда Хожа Аҳрор, Хуросонда Жомий каби *Нақшбандия* тариқати пешволарининг Ҳанафия мазҳаби ақоидида мустаҳкам туриб, уни жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилишлари шиъийларнинг нақшбандийларга бўлган муносабатига ҳам салбий таъсир етказган эди. Бу ҳолат, ортодоксал ислом намояндалари (Ҳанафия фақиҳлари) ва нақшбандийлар ўртасидаги зиддиятларни бир оз юмшатиб, уларни ақидавий иттифоқчилар сифатида кўрсатса-да, сарой аҳли ҳузурда ё диний-илмий марказларда барпо этиладиган мажлисларда улар ўртасида вужудга келадиган ўзаро баҳс-мунозаралар ва фикрий қарама-қаршилиқларга барҳам беролмасди. Бу ҳолат эса ўз навбатида Хуросон ва Мовароуннаҳр *Нақшбандия* мактабларининг ягона маънавий йўлбошчи ва ягона марказ атрофида бирлашишларини тақозо этарди. Жомий ҳам Хожа Аҳрорнинг Хуросондаги вакили, қолаверса, дину мазҳаб пешвоси сифатида масаланинг моҳиятини тўғри тушуниб етгани боис ягона маънавий марказ гоёсини ўз фаолиятининг асосий дастури қилиб белгилаган эди.

Жомий Хожа Аҳрор Валий билан бор-йўғи тўрт маротиба учрашиб суҳбат қурган бўлса-да, уни бутун умри давомида *Нақшбандия* тариқатининг пешвоси ва ирфон фалсафаси, хусусан, Шайх ул-Ақбар Мухйиддин ибн ал-Арабий қарашларининг буюк билимдони сифатида эътироф этиб келган. Буни Жомийнинг 1465-1480 йиллар давомида Хожа Аҳрор билан олиб борган мукотибасидан ҳам, унга бағишланган асарларидан ҳам билса бўлади. Жумладан, “Хамса”нинг биринчи достонига жавоб ва ўзининг “Ҳафт авранг”и силсиласида учинчи дoston саналмиш “Тўхфат ул-Аҳрор” Жомийнинг том маънодаги Хожа Аҳрор Валийга иродати, унга бағишлаган тухфаси эди. Ёки, “Нафаҳот ул-унс”ни олайлик. Унда 618 нафар улуг сўфий (ва сўфий аёл) зикр этилган бўлса, алоҳида ихлос, эҳтиром ва эътироф билан зикр этилганлардан бири ҳам Хожа Аҳрор Валий ҳисобланади. 456-киши бўлиб тазкирага киритилган Хожа Аҳрор васфи Жомий қалами билан шундай бошланади: “Бугун *Хожагон* табақасининг оятлар мазҳари, кароматлар ва валийлик мажмуаси,

силсилаи шарифа – куддисаллоху таъоло арвоҳаҳум - нинг илтиём (бирлик) робитаси ва интизом воситаси Ҳазрати Хожа ва у кишининг мухлисларию муҳтождаридир. У кишининг вужуди шарифлари баракоти ила бу силсиланинг бирлиги ва интизоми киёмат кунигача давом этади, деб умид киламиз”.²³ “Нафаҳот ул-унс” да Хожа Аҳрор Валийнинг ирфоний-фалсафий фикрларига (Жомий талкини билан) ҳам кенг ўрин ажратилган.²⁴

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Нақшбандия таълимоти ва Ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг Жомий қарашларида уйғунлашуви**” деб номланади. Жомийнинг ақл ва унинг Аллоҳ таолони идрок этиш қобилияти атрофидаги мулоҳазалари Ибн ал-Арабийнинг билиш назариясига асосланган. Жумладан, “Футуҳот ул-Маккия”нинг еттинчи бобида ақлнинг Аллоҳни маърифат этиш (билиш; англаш) қобилияти ҳақида шундай дейилади: “...Ақл Ҳақ таъолонинг тафаккур қилиш ҳақидаги амрини нотўғри тушунди ва тафаккур орқали Худони маърифат этишга йўл топиш лозим, деб ўйлади. Шунинг учун ҳам далил излашга тушди ва топган далиллариини ўзига асос қилиб олди. Аммо анбиё, авлиё ва тарикат аҳли ақлан Ҳақнинг мақсадини тўғри тушуниб олдилар ва Ҳақ таъоло Зоти ҳақида фикрлаш мумкин эмаслиги, бу нарса наҳй этилганлиги, Аллоҳ Зотини маърифат этишнинг ягона йўли илоҳий таъриф (борлиги, бирлиги ва маъбудлиги - Ж.Х.) эканлиги ва фақат Унинг Ўзига юз тутиш лозимлигини англаб етдилар. Натижада Парвардигор уларга Ўзини маърифат этиш қобилиятини берди ва улар фикр орқали топиши мумкин бўлган нарса илоҳий нисбат орқали қийин эмаслигини тушуниб олдилар. Демак, илоҳий таъриф орқали Зотни маърифат этиш (билиш) жоиз экан”.²⁵

Шундай қилиб, “Аллоҳ Зотини маърифат этиш (билиш) мумкин эмас», деган Ибн ал-Арабий, узок фалсафий мушоҳадалардан сўнг охириқибат “Зотни маърифат этиш жоиз”, деган хулосага келади. Аммо Жомий бу масалада ўз фикрида қатъий туриб, “Ҳазрати Ҳақ субҳона ва таъолонинг ҳақиқати ва Зоти ҳамма нарсдан яширинроқдир. Ҳақ таъоло ва тақаддуснинг Зоти ва унинг ғойиб Ўзлигини дарк этиш, англаш, кўриш ва билиш ҳеч кимга насиб этмаган”,²⁶ деган хулоса чиқаради. Зотан, Унинг макоми Жомийдек нақшбандий бир ориф назарида, хиссу идрок ва қиёсдан олийроқдир.

Жомийнинг *Тавҳид* ҳақидаги гоялари асосан бу икки кутб – Ибн ал-Арабийнинг *Ваҳдат ул-вужуд* ҳақидаги таълимоти ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг амалий-мазҳабий тарикатини бир-бирига боғловчи восита сифатида хизмат қилади. Зотан, ислом фалсафасидаги барча таълимотлар ва мактабларни бир-бирига боғловчи асосий восита ҳам *Тавҳид* масаласи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Жомий *Тавҳид* масаласида ханафий мутакаллим, нақшбандий мутасаввиф ва ваҳдат ул-вужудий ориф нуқтан

²³ Нуриддин Абдурахмони Жомий Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс. Муқаддима, тасхех ва таълиқоти доктор Махмуд Обидий. – Техрон: “Сухан”, 1386. – С.410.

²⁴ Қаранг: Ўша манба. – С.410-417.

²⁵ Мухйиддин ибн ал-Арабий. Футуҳот ул-Маккия. 1-жилд. – С. 162.

²⁶ Ўзр ФА ШИ Қўлёзмалар хазинаси, РН 1331 рақамли қўлёзма. – В.600 а.

назаридан фикр юритиб, уларни бу масала талқинида бирлаштиришга ҳаракат қилади. Аммо у бу масала талқинида кўпроқ накшбандийларга ён босади ва *Тавҳид*ни қийлу қол, далил ва бурҳон (хужжат) воситасида эмас, балки завқ ва мукошафа йўли билан англаш мумкин,²⁷ деган хулоса чиқаради.

Жомий назарида, олам деб аталмиш хилма-хил, сон ва микдор жиҳатидан кўпайган бу борлик, нурнинг муқобил акси, Ҳақ субҳона вужудининг турли ҳолатлар, ранглар ва кўринишларда зуҳур этишидир.²⁸ Демак, ана шу ҳолатни, яъни, оламнинг Ҳақ нурининг хилма-хилликда зуҳур этишидан пайдо бўлишини англаш, Жомий назарида Аллоҳнинг ягоналигига иқрор бўлмоқдир. Жомий *Тавҳид* ва *Ваҳдат ул-вужуд*ни айнан бир нарса деб билмайди, улар ўртасида чегара кўяди, аммо уларни бири-биридан мутлақо айри ҳам деб тасаввур қилмайди. Ёдда тутиш лозим, Жомий бу ўринда Ибн ал-Арабий ва бошқа *Ваҳдат ул-вужуд* фалсафаси тарафдорларининг нуқтаи назарига ён босади. У бу масаллада кўпроқ XIV асрнинг машҳур фикр олими, ориф ва мутафаккири, Шайх ул-акбар мактабининг забардаст намояндаси Мир Ҳайдар Омулийнинг қарашлари билан мувофиқдир. Омулий *Ваҳдати вужуд*ни “Тавҳиди вужудий” (Вужудий бирлик – Ж.Х.) деб атайди ва бунга “Борликда Аллоҳдан ўзга мавжуд йўқ”, деган ақидани асос қилиб олади.²⁹

Жомий *Нақшбандия* улуғларини “арбоби Тавҳид ва тафаккур” (Тавҳид ва тафаккур аҳли – Ж.Х.), деб атайди ва Хожа Баҳоуддин Накшбандни “Садри маскани иршоду ҳидоят” (иршод ва ҳидоят масканининг улуғи), “жомеъи хасоиси валоят” (валийлик хислатларининг мажмуаси), “қутби аҳли таҳқиқу ирфон” (ҳақиқат ва ирфон аҳлининг қутби), “мазҳари сифоти раббоний” (илоҳий сифатлар мазҳари), “мавриди ахлоқи субҳоний” (субҳоний ҳулқ-атвор соҳиби), “инсони уюн ул-муҳаққиқин” (ҳақиқат аҳлининг кўзи бўлган инсон), “вориси анбиё ул-мурсалин” (мурсал пайғамбарлар вориси) каби сифатлар билан, юксак эҳтиром ва муҳаббат ила зикр этиб у кишининг тарикатлари айни тавҳиддир, дейди.³⁰

Жомий Ибн ал-Арабийнинг ваҳдат ул-вужудий қарашларини асос қилиб олган ҳолда танзехий сифотни Нух пайғамбар тимсолида келтиради. Унинг “танзехий сифо”ни Нух пайғамбарга нисбатан қўллашда маънавий пири – Шайх ул-акбарнинг бу ҳақдаги фикрларига нозик бир истинод яширинган. Гап шундаки, Ибн ал-Арабий Нух пайғамбар макомини “Фурқон” (ажрим этувчи, фарқ қилувчи), даъватини эса ноқис, яъни, номукаммал, деб ҳисоблайди. У “Фусус ул-ҳикам”нинг “Фасси Нухий” фаслида Аллоҳ таъолони танзех (ўхшатмаслик) ва “ташбех” (ўхшатиш; антропоморфизм) қилиш масаласи устида фикр юритиб, “ташбех” мутлақо нотўғри бўлгани каби, бутунлай “танзех”га оғиб кетиш ҳам тўғри

²⁷ Ўша манба. – В.615 а.

²⁸ ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар хазинаси, 503-йВ рақамли қўлёзма. – В.55 а.

²⁹ Қаранг: Ҳақиқат А. Торих-э жунобишхо-йе мазҳаби дар Ирон. – Техрон. 1377. – С. 1004

³⁰ ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар хазинаси, РН 1331 рақамли қўлёзма. – В.615 а - 615 б.

эмаслигини исботлашга ҳаракат қилади. У бундай ҳолатда *танзеҳ* ва *ташбеҳ*ни “жамъ” қилиш, яъни, бу икки қарама-қарши ҳолатнинг ўртасида бўлиш, шу била биргалиқда, бу икки ҳолат ўртасида “тафриқа” кўйиш, яъни, уларнинг ҳар бирини фарқлаш лозимлигини уқтиради.³¹ Ана шу нуктаи назар бўйича, Ибн ал-Арабий Нух пайғамбарни ўз қавмини фақат “танзеҳ” оркали даъват этган расул сифатида танқид қилади. Нух пайғамбар ўз қавмига ҳеч нарсага мутлақо ўхшамаган Худо ҳақида гапирди. У даъват этаётган Худо ва борлиқдаги нарсалар, мавжудотлар, жумладан, инсонлар ўртасида ҳеч қандай алоқадорлик ва муносабат йўқ, шунинг учун “ташбеҳ”га, яъни, Худони инсонга ўхшатишга ўрганган ва одатланган қавм ўз пайғамбарига эргашмайди, унинг даъватига қулоқ солмайди. Шу ўринда Ибн ал-Арабий Ҳазрати Муҳаммад (САВ)нинг даъватини *танзеҳ* ва *ташбеҳ*ни ўзида мужассамлаштирган, яъни, *жамъ* қилган, шу балан бирга жамъни фарқ этиб, фарқни жамъ этган энг тўғри даъват сифатида юксак баҳолайди.³² Жомийнинг шарҳлашича, банданинг ўз аслига қайтиш йўли *зикр* бўлиб, “Шаҳодат дарёси”дан мақсад “Ло илоҳа иллаллоҳ”дир. Бу сўзнинг дарёга ташбеҳ этиш сабаби шундаки, у *Аллоҳнинг борлиги ва бирлиги*, яъни, ваҳдониятини ифода этади. “Таяммум” эса инсоннинг туپроқ оламига қайтишига ишорадир. (Ва лақад халақнал инсона мин туроб). Агар зокир (зикр қилувчи) калимаи шаҳодатни юз марта зикр қилса, “Ло илоҳа”нинг “Ло”сини, яъни, Ҳақ мосивосини наҳанг каби ичига ютади. Қасрат, яъни, кўплик оламида вужудга келиб, *ваҳдат* (бирлик) сиррини яширган тўфондан фақатгина иймон ва эътикод кемаси уни Нуҳдек саломат тутади ва *лоҳут* (илоҳиёт) оламига етказди.

ХУЛОСА

Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси мураккаб, шунингдек, баҳс-мунозараларга бой бўлган таълимот. Диссертацияда Нақшбандия таълимотининг ваҳдат ул-вужуд фалсафасига муносабати доирасида трансформацион ҳолатлар ва ўзига хос жиҳатлар тадқиқ этилиб қуйидаги хулосаларга келинди:

